

“Ангрен логистика маркази” АЖ
Ягона акциядорининг
2023 йил 27 июндаги қарори билан



“ТАСДИҚЛАНГАН”

Ангрен шаҳар давлат хизматлари

маркази томонидан

2023 йил 04 июнда
2208456 -сонли реестр рақами билан

“ҚАЙТА РҮЙХАТГА ОЛИНГАН”

Angren shahar davlat xizmatlari markazi
RO'YXATDAN O'TKAZILDI
(tuzish, muhim, o'zgartirish, qo'shimcha, bekor qilish)

No 2208456

2023y. «04 июн»

З. Мусатов (F.L.Sh.)

(Imza)

M.O.

«ANGREN LOGISTIKA MARKAZI» AKSIYADORLIK JAMIYATI USTAVI

Ангрен шахри 2023 йил

1-модда **Умумий қоидалар**

1.1. “Angren logistika markazi” aksiyadorlik jamiyat (бундан кейин матнда жамият деб юритилади) ўз фаолиятини “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқукини ҳимоя қилиш түғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, ушбу устав ва амалдаги бошқа қонун ҳужжатларига амал қилган ҳолда юритади.

1.2. Жамиятнинг номи:

Давлат тилида:

- Тўлиқ номи - "ANGREN LOGISTIKA MARKAZI" aksiyadorlik jamiyat.
- Қисқартирилган номи - "ANGREN LOGISTIKA MARKAZI" AJ.

Рус тилида:

- Тўлиқ номи - Акционерное общество "ЦЕНТР ЛОГИСТИКИ АНГРЕН".
- Қисқартирилган номи - АО "ЦЕНТР ЛОГИСТИКИ АНГРЕН".

Инглиз тилида:

- Тўлиқ номи - "ANGREN LOGISTICS CENTER" Stock Joint Company.
- Қисқартирилган номи - "ANGREN LOGISTICS CENTER" SJC.

1.3. Жамиятнинг юридик ва почта манзили, ҳамда жойлашган манзили:

- юридик манзили - Ўзбекистон Республикаси, индекс 110200, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, Ипак йўли кўчаси, 1-йй.

- почта манзили - Ўзбекистон Республикаси, индекс 110200, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, Ипак йўли кўчаси, 1-йй.

- жамиятнинг электрон почта манзили: www.clangren.uz, info@clangren.uz.

2-модда **Жамиятнинг юридик мақоми,** **Жамиятнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан, ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.2. Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади.

2.3. Жамият ўзининг номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим. Муҳрда бир вақтнинг ўзида жамиятнинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

2.4. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик мумомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

2.5. Жамият Ўзбекистон Республикаси худудида ва ундан ташқарида банк ҳисобвақлари очишга ҳақлиdir.

2.6. Ўзбекистон Республикасида бўлгани сингари унинг худуди ташқарисида ҳам амалиётдаги қонунчиликка риоя этган ҳолда чет эллик ҳамкорлар билан шартномалар, битим ва бошқа ҳуқукий далолатномалар тузиши мумкин.

2.7. Жамият маҳсулот ва хизматга бўлган талаб – эҳтиёждан келиб чиқиб, ўз фаолиятини мустақил равишда режалаштиради, тараққиёт истиқболларини белгилайди, ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий жиҳатдан ривожлантиришни таъминлайди,

акциядорлар ва меңнат жамоаси аъзоларининг шахсий даромадини ошириш йўлларини белгилаб олади.

2.8. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

2.9. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ заарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

2.10. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

2.11. Янги қонунлар ёки қонуности хужжатларнинг қабул қилиниши уставга, янги қонунларнинг меъёрларига зид келувчи қисмiga ўзгаришлар киритилишига сабаб бўлади.

2.12. Жамият чекланмаган муддатга тузилади.

3-модда

Жамият фаолиятининг мақсади

3.1. Жамият фаолиятининг мақсади акциядорлик жамияти сифатида ўз акциядорларининг манфаатларида фойда олишdir.

3.2. Жамият фаолиятининг мазмуни қўйидагилардир:

- транспорт-экспедиция хизматлари;
- юкларнинг божхона декларациясини расмийлаштириш хизмати;
- юкларни омборларга тушириш ва сақлаш хизмати;
- юкларни автомобиль ва темир йўл транспорти орқали ташибни ташкил этиш;
- логистикавий консалтинг хизмати;
- компьютер-ахборот дастурлар ва технологияларни ишлаб чиқиш, лойиҳалаш, яратиш, жорий қилиш, ўрнатиш ва улардан фойдаланиш;
- халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ва майший, саноат жиҳозларини ишлаб чиқариш ҳамда таъмирлаш хизмати;
- қурилиш моллари, ёғоч маҳсулотлари, қишлоқ хўжалик, чорва, парранда ва асаларичилик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, ташиб ва сотиш;
- қурилиш, монтаж, таъмирлаш ишларини бажариш;
- қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва сотиш;
- чакана ва улгуржи савдо билан шуғулланиш;
- ярмарка, кўргазма ва конференциялар ўтказиш;
- фирмалар ва бошқа фирмаларнинг эҳтиёжлари учун ўз валюта маблағлари ва қарз олинган маблағлар ҳисобига товар ва хизматларни импорт қилиш бўйича операцияларни амалга ошириш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;
- дизайн хизматлари, шунингдек, смета хужжатларини лойиҳалаштириш, тузиш ва расмийлаштириш хизматлари;
- инвестицион фаолият, бизнес-режалар ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш, жорий қилиш;
- электрқурилмаларни, реле ҳимоя автоматика ва ўлчов, ҳамда ёнғин сигнализасиясини монтаж қилиш, таъмирлаш ва созлаш, уларнинг лойиҳа смета хужжатларини тайёрлаш;
- озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмол моллари, мебел, қурилиш материаллари, нефть маҳсулотлари, кимёвий маҳсулотлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ва уларни савдо нутқалари ва ўз тижорат дўконлари тармоғи ҳамда бошқа савдо ташкилотлари орқали сотишни ташкил қилиш;

- аҳоли, қўшма фирмалар, фирмалар, ватандошлар ва чет элликлардан, шу жумладан, хорижий сайдёхлар ва Ўзбекистон Республикасига таклиф бўйича келган фуқаролардан халқ истеъмоли товарлари, маҳсулотларни қабул қилиш, накд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотиб олиш ва сотиш;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари билан тақиқланмаган бошқа фаолият турларини амалга ошириш.

3.3. Амалга оширилиши учун маҳсус рухсатнома (лицензия) талаб этиладиган фаолият турлари қонунчилик билан белгиланган тартибда рухсатнома берилганидан кейин амалга оширилади.

3.4. Жамият қонун ҳужжатларида ман этилмаган ва таъсис ҳужжатларида кўрсатилмаган исталган фаолият тури билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шуғулланиши мумкин.

4-модда

Филиаллар ва ваколатхоналар, шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари

4.1. Жамият акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

4.2. Шўъба хўжалик жамияти ўз мулкида ўз асосий жамиятининг овоз берувчи акцияларига эга бўлишга ҳақли эмас. Ушбу қисмда белгиланган тақиқ кучга киргунига қадар ўз асосий жамиятининг овоз берувчи акцияларини олган шўъба хўжалик жамияти асосий жамият акциядорларининг умумий йиғилишида овоз беришга ҳақли эмас.

4.3. Тобе хўжалик жамияти ўз мулкида жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эга бўлишга ҳақли эмас. Ушбу қисмда белгиланган тақиқ кучга киргунига қадар жамиятнинг овоз берувчи акцияларини олган тобе хўжалик жамияти жамият акциядорларининг умумий йиғилишида овоз беришга ҳақли эмас.

4.4. Жамият амалдаги қонунчилиқда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси худудида ва унинг ташқарисида бошқа ташкилот ёки жамиятнинг иштирокчиси ёки таъсисчиси бўлиши, филиаллар, агентликлар, ваколатхоналар, шунингдек, чет эллик ҳамкорлар билан бирга қўшма корхоналар ташкил этиши мумкин.

4.5. Жамиятнинг филиали ва ваколатхонаси юридик шахс бўлмайди. Улар жамиятнинг Кузатув кенгashi томонидан тасдиқланган устав асосида иш юритади. Жамиятнинг филиалга ва ваколатхонага бериб қўйилган мол-мулки жамиятнинг балансида хисобга олинади.

4.6. Филиалнинг ёки ваколатхонанинг раҳбари жамият томонидан тайинланади ва жамият томонидан берилган ишончнома асосида иш юритади.

4.7. Филиал ҳамда ваколатхона фаолияти учун жавобгарлик уларни ташкил этган ва очган жамият зиммасида бўлади.

4.8. Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, филиаллар ва ваколатхоналар жойлашган ердаги мамлакатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

4.9. Шўъба хўжалик жамияти ўзининг асосий жамияти мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

4.10. Шўъба хўжалик жамиятига мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган асосий жамият бундай кўрсатмаларни бажариш учун шўъба хўжалик жамияти томонидан тузилган битимлар юзасидан шўъба хўжалик жамияти билан солидар жавобгар бўлади. Асосий жамиятнинг шўъба хўжалик жамиятига мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқи фақат шўъба хўжалик жамияти билан тузилган шартномада ёки шўъба хўжалик жамиятнинг уставида назарда тутилган тақдирда асосий жамият бундай ҳуқуқга эга деб хисобланади.

4.11. Шўъба хўжалик жамияти асосий жамиятнинг айби билан банкрот бўлган тақдирда асосий жамият шўъба хўжалик жамиятининг мажбуриятлари юзасидан субсидиар жавобгар бўлади.

4.12. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларида назарда тутилмаган ҳолларда қўйидагилар тақиқланади:

- асосий фаолиятига хос бўлмаган янги кўчмас мулк обьектларини сотиб олиш ёки қуриш;

- рақобат ривожланган соҳада асосий фаолиятидан ташқари қўшимча фаолият билан шуғулланиш;

- асосий фаолиятига хос бўлмаган хўжалик жамиятлари устав капиталида иштирок этиши ёки ундаги улушни сотиб олиш.

5-модда

Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) ва акциялари

5.1. Жамият устав фондининг (устав капитали) миқдори 6 519 015 000 (олти миллиард беш юз ўн тўққиз миллион ўн беш минг) сўмни ташкил этади ва номинал қиймати 5 000 (беш минг) сўм бўлган 1 303 803 (бир миллион уч юз уч минг саккиз юз уч) дона оддий эгаси ёзилган нақдиз акцияларга бўлинган, улардан 100 фоиз акциялар жойлаштирилган.

5.2. Қўшимча акциялар фақат жамият устави билан белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасида жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

5.3. Эълон қилинган оддий акциялар 5 556 119 (беш миллион беш юз эллик олти минг бир юз ўн тўққиз) дона ҳужжатсиз акцияларни ташкил қиласи, номинал қиймати 5 000 (беш минг) сўмдан, умумий нархи номинал қиймати бўйича 27 780 595 000 (йигирма етти миллиард етти юз саксон миллион беш юз тўқсон беш минг) сўм.

5.4. Жамият томонидан жамиятнинг қўшимча акцияларини ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларини жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

5.5. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) жамият мол-мулкининг жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

5.6. Жамият устав фондининг (устав капиталининг) энг кам миқдори лицензия талабларида белгиланиши мумкин.

6-модда

Жойлаштирилган акцияларни жамият томонидан олиниши

6.1. Жамият ўзи жойлаштирган акцияларни акциядорлар умумий йиғилишининг жойлаштирилган акцияларнинг бир қисмини олиш ва ушбу акцияларнинг умумий сонини камайтириш йўли билан жамият устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисидаги қарорига кўра, шунингдек, уларни кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиш мақсадида жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра олишга ҳақли.

6.2. Агар муомалада қолган акцияларнинг номинал қиймати жамият устав фондининг (устав капиталининг) “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 17-моддасида назарда тутилган энг кам миқдоридан камайиб кетадиган бўлса, жамият жойлаштирилган акцияларнинг умумий сонини камайтириш мақсадида уларнинг бир қисмини олиш йўли билан жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

6.3. Акцияларни олиш тўғрисидаги қарорда олинадиган акцияларнинг турлари, жамият оладиган ҳар бир турдаги акцияларнинг сони, акцияларни олиш нархи, акциялар ҳақини тўлаш шакли ва муддати, шунингдек, акциялар қанча муддатда олиниши белгилаб қўйилиши керак.

6.4. Акцияларни олиш вақтида уларга ҳақ тўлаш пул маблағлари билан амалга оширилади. Акцияларни олиш муддати акцияларни олиш тўғрисидаги қарор билан

белгиланади, бу муддат ўн кундан кам бўлмаслиги керак. Жамият томонидан оддий акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

6.5. Қайси муайян турдаги акцияларни олиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, ўша акцияларнинг эгаси бўлган ҳар бир акциядор мазкур акцияларни сотишга ҳақли, жамият эса уларни олиши шарт. Агар жамият томонидан олиниши тўғрисида акциядорларнинг аризалари тушган акцияларнинг умумий сони ушбу моддада белгиланган чекловлар ҳисобга олинган холда жамият олиши мумкин бўлган акцияларнинг сонидан ортиқ бўлса, акциядорлардан аризада кўрсатилган талабларга мутаносиб равища акциялар олинади.

6.6. Акциялар олинадиган муддат бошланишига кечи билан ўн кун қолганда жамият муайян турдаги акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларни жамият томонидан акциялар олиниши тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ва ўз расмий веб-сайтида жойлаштириш орқали хабардор этиши шарт.

6.7. Жамият тасарруфига ўтган акциялар овоз бериш хукукини бермайди, овозларни санаб чиқишида ҳисобга олинмайди, улар бўйича дивидендлар ҳисоблаб чиқарилмайди.

6.8. Кейинчалик қайта сотиш мақсадида жамият тасарруфига ўтган акциялар улар жамият тасарруфига ўтган пайтдан эътиборан бир йилдан кечиктирмай реализация қилиниши керак, акс холда, акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим. Кўрсатилган муддатда реализация қилинмаган акциялар бекор қилиниши керак.

6.9. Жамият ўзи чиқарган акциялар бўйича уларни қайтариб сотиб олиш шарти билан битимлар тузишига, шунингдек, ўзи чиқарган акцияларни ишончли бошқарувга беришга ҳақли эмас.

7-модда

Жойлаштирилган акцияларни жамият томонидан олишга доир чекловлар

7.1. Жамият ўзининг жойлаштирилган оддий акцияларини:

- жамиятнинг бутун устав фонди (устав капитали) батамом тўлангунига қадар;
- агар оддий акцияларни олиш пайтида жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки бундай белгилар у акцияларни олганлиги натижасида пайдо бўлса;

- агар оддий акцияларни олиш пайтида жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондидан (устав капиталидан), захира фондидан ва жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг жамият уставида белгиланган тугатиш қийматининг номинал қийматидан ортиқ қисмидан кам бўлса ёхуд акцияларни олиш натижасида уларнинг микдоридан камайиб кетса, олишга ҳақли эмас.

7.2. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 40 ва 41-моддаларига мувофиқ қайтариб сотиб олиш тўғрисида талаб қўйилган ҳамма акциялар қайтариб сотиб олинмагунига қадар жамият жойлаштирилган акцияларни олишга ҳақли эмас.

8-модда

Акцияларни йириклиштириш ва майдалаш

8.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ жамият жойлаштирилган акцияларни йириклиштишга ҳақли бўлиб, бунинг натижасида жамиятнинг икки ёки ундан ортиқ акцияси худди шу турдаги битта янги акцияга айирбошланади. Бунда жамият уставига унинг жойлаштирилган акцияларининг номинал қийматига ва сонига тааллуқли тегишли ўзгартишлар киритилади.

8.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият жойлаштирилган акцияларни майдалашни амалга оширишга ҳақли бўлиб, бунинг натижасида жамиятнинг бир акцияси худди шу турдаги икки ёки ундан ортиқ акцияга айирбошланади. Бунда жамият уставига жамиятнинг жойлаштирилган акцияларининг номинал қийматига ва сонига тааллуқли тегишли ўзгартишлар киритилади.

9-модда

Акциядорларнинг талабига кўра жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиш

9.1. Овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар:

- жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида;
- жойлаштирилган акцияларни йириклиштириш ҳақида;
- “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 84-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларига мувофиқ жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки бошқа шахсга бериш билан боғлиқ йирик битим (бундан буён матнда йирик битим деб юритилади) тузиш тўғрисида;

- жамиятнинг уставига овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг хукуқларини чекловчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳирдаги уставни тасдиқлаш тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилишда, агар улар қарши овоз берган бўлса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақлидир.

9.2. Ўзларига тегишли акциялар жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш хукуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати овоз бериш натижасида “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш хукуқи юзага келиши мумкин бўлган масалалар кун тартибига киритилган акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш хукуқига эга бўлган жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

9.3. Жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиш ушбу акцияларнинг бозор қиймати бўйича амалга оширилади, бу қиймат жамиятнинг акцияларни баҳолашни ва қайтариб сотиб олишни талаб қилиш хукуқи юзага келишига сабаб бўладиган ҳаракати натижасида қийматнинг ўзгариши ҳисобга олинмаган ҳолда аниқланади.

10-модда

Устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ва камайтириш тартиби

10.1. Жамият устав фондини (устав капиталини) микдори мазкур устав қоидаларига биноан кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

10.1.1. Устав фондини (устав капиталини) кўпайтирилиши

10.1.1.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

10.1.1.2. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгаришлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

10.1.1.3. Қўшимча акциялар эълон қилинган жамият уставида белгиланган акцияларнинг сони доирасидагина жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

10.1.1.4. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгаришлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

10.1.1.5. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

10.1.1.6. Жамиятнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичida ҳақ тўланиши лозим.

10.1.1.7. Жамият томонидан жамиятнинг қўшимча акцияларини ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларини жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

10.1.1.8. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан, акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

10.1.1.9. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек, пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган хукуклар (шу жумладан мулкий хукуклар) орқали амалга оширилади.

10.1.1.10. Жамият ўзи чиқараётган акцияларга уларни оммавий жойлаштириш йўли билан қонун хужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда очик обуна ўтказишга ҳақли.

Жамият ўзи чиқараётган акцияларга уларни хусусий жойлаштириш йўли билан ёпиқ обуна ўтказишга ҳақли, ёпиқ обуна ўтказиш имконияти қонун хужжатларида ва жамият уставида чеклаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно.

Акциядорлар ўзларига тегишли акцияларни бошқа акциядорларнинг ва жамиятнинг розилигисиз ўзга шахсга беришга ҳақли, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 6-моддасида белгиланган ҳол бундан мустасно.

10.1.1.11. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати микдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда жамият уставида кўрсатилган эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

10.1.1.12. Жамиятнинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги ёки акциянинг номинал қийматини ошириш ҳакидаги қарор жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

10.1.1.13. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда фақат жамиятнинг ўз капитали ҳисобидан амалга оширилади.

10.1.1.14. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

10.1.1.15. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) унинг ўз капитали ҳисобидан қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтиришда бу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айни ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равища тақсимланади. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

10.1.1.16. Жамият томонидан акцияларни ва эмиссион қимматли қоғозларни, пул маблағлари билан тўлаган, конвертацияланган акцияларни жойлаштиришда овоз бериш хукуқини берувчи акцияларнинг эгаси бўлган акциядорлар жойлаштирилаётган акцияларни ўзлари эгалик қилаётган акциялар сонига мутаносиб равища харид қилишга имтиёзли хукуққа эга бўлади.

10.1.2. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш

10.1.2.1. Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан камайтирилиши мумкин.

10.1.2.2. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

10.1.2.3. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини (устав капиталини) камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

11-модда

Дивидендларни тўлаш

11.1. Жамиятнинг хўжалик фаолияти натижасида олган фойдаси солиқларни тўлашдан кейин жамиятнинг мулкида қолади ҳамда амалдаги қонунчиликка ва мазкур уставга мувофиқ қайта инвестициялар, жамиятнинг фондларини яратиш ҳамда акциялар бўйича дивидендлар учун ишлатилади.

11.2. Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

11.3. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

11.4. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

11.5. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, агар “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни ва жамият уставида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

11.6. Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичida қабул қилиниши мумкин.

11.7. Дивидендларни эълон килиш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар дивиденд олиш хукуқига эга.

11.8. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий хисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик холосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий хисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

11.9. Дивидендларнинг миқдори жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек, жамият уставида дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

11.10. Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфидаги қоладиган соф фойдадан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамиятнинг бунинг учун маҳсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан ҳам тўланиши мумкин.

11.11. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

11.12. Дивидендларни тўлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича катъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда жамият мазкур акцияларнинг эгаларига дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Жамият етарли миқдорда фойдага эга бўлмаган ёки зарар кўриб ишлаётган тақдирда, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамият томонидан жамиятнинг фақат шу мақсад учун ташкил этилган захира фонди хисобидан ва ушбу фонд доирасида тўланиши мумкин.

11.13. Эгаси ёки эгасининг қонуний хуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичida талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади.

11.14. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш хуқуқига эга.

11.15. Жамият:

а) жамият устав фондининг (устав капиталининг) ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунинг қадар;

б) агар дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

в) агар жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

Ушбу моддада кўрсатилган ҳолатлар тутатилгач, жамият хисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

12-модда

Жамиятнинг фондлари ва соф активлари

12.1. Жамиятда устав фондининг (устав капиталини) ўн беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда жамият захира фонди тузилади. Жамиятнинг захира фонди жамиятнинг устав фондида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан мажбурий ажратмалар ўтказиш орқали ташкил этилади. Жамиятнинг захира фондига ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори жамият уставида белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

12.2. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг захира фонди жамиятнинг заарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

12.3. Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

12.4. Жамият уставида бошқа фондларни ташкил этиш назарда тутилиши мумкин.

12.5. Жамият соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича, жамият активлари ва мажбуриятларининг умумий суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

12.6. Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин акциядорларнинг умумий йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижасига мувофиқ жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондидан (устав капиталидан) оз бўлиб чиқса, жамият ўз устав фондини (устав капиталини) соф активлари қийматидан ошиб кетмайдиган миқдоргacha камайтириши шарт.

12.7. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш ёки жамиятни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинмаган тақдирда унинг акциядорлари, кредиторлари, шунингдек ваколатли давлат органлари жамиятни суд тартибида тугатишни тала б қилишга ҳақли.

13-модда

Акциядорларнинг хуқуқлари

13.1. Акциядорлар:

- тегишли жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депозитарийдаги депо ҳисобварагидан ўзига тааллуқли қўчирма олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қофозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек, судда ўз хуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган заарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда тала б қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат, нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қофозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан, бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни сугурта қилиш;
- акциядорлар, шу жумладан миноритар акциядорлар овоз беришда ўзаро ҳамкорликда позициясини шакллантириш учун келишув тузиш хуқуқига эга.
- миноритар акциядорлар жамият бошқарув органи фаолиятига асоссиз равища хужжатларни тала б қилиб олишга, конфиденциал маълумотлар ва тижорат сирларидан фойдаланишга ҳақли эмас.

13.2. Акциядорлар қонун хужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13.3. Акциядор томонидан хуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг хуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

13.4. Миноритар акциядорлар қўмитаси тузилган тақдирда Миноритар акциядорлар қўмитаси харажатлари акциядорлик жамияти ҳисобидан қопланади.

14-модда.

Жамият бошқарувининг тузилмаси

14.1. Жамият бошқарув органлари - Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Ижроия органи.

15-модда

Акциядорларнинг умумий йиғилиши

15.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юкори бошқарув органидир.

15.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини жамият кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

15.3. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

15.4. Жамият Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини қоида бўйича хар иили 30 июнда ўтказилади.

15.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

15.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши хақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

16-модда

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доираси

16.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

- мажбурий аудиторлик текширувани ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган хақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ва у билан шартнома тузиш (бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятни қайта ташкил этиш;

- жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ва камайтириш;

- ўз акцияларини олиш;

- жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек, тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

- жамиятнинг йиллик хисоботини тасдиқлаш ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чикқан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

- жамиятнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш;

- жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир конун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг хисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хуласаларини эшлиш;

- қимматли қофозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- имтиёзли ҳукуқни қўлламаслик тўғрисида “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 35-моддасида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

- акцияларни майдалаш ва йириклиштириш;

- баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортигини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг ҳомийликка сарфланадиган йиллик харажатларини ўтган йилда олинган соф фойданинг З фоизидан ошмаган миқдорда белгилаш, жамият бизнес-

режасининг ўтган ҳисобот давридаги соф фойдага тааллуқли қисми кўрсаткичлари тўлиқ бажарилгандан амалга ошириш (Бундан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Хукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллар мустасно) тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

16.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

17-модда

Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари

17.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган масалалар бўйича кўйидагилар овоз бериш хукукига эга бўлади:

- жамиятнинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар;

- “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган ҳолларда жамиятнинг имтиёзли акциялари эгалари бўлган акциядорлар.

17.2. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, агар “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

17.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган, ҳал қилиш чоғида жамиятнинг оддий ва имтиёзли акциялари эгалари бўлган акциядорлар овоз бериш хукуқига эга бўладиган масала юзасидан овозларни санаб чиқиш овоз берувчи акцияларнинг барчаси бўйича биргаликда амалга оширилади.

17.4. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи, тўртинчи, олтинчи ва ўн тўртинчи хатбошиларида ҳамда 84-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

17.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишини олиб бориш тартиби бўйича акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилиш тартиби жамиятнинг уставида ёки жамиятнинг акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низомда белгилаб қўйилади.

17.6. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек, кун тартибига ўзgartишлар киритишга ҳақли эмас.

17.7. Соликقا оид ёки давлат олдидағи бошқа қарздорлик ҳисобига жамият устав фондидағи (устав капиталидаги) давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

17.8. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари ушбу Қонунда ҳамда жамият уставида назарда тутилган тартиб ва муддатларда, бироқ бу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

17.9. Агар акциядор узрли сабабга кўра акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлса, у

акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

18-модда

Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи

18.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

18.2. Акциядор ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини хисобга олиш бўйича хизматлар қўрсатувчи депозитарийни ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳакида ўз вақтида хабардор қилиши шарт.

18.3. Жамият акциядорнинг талабига кўра акциядорга у акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрига киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

19-модда

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги ахборот

19.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида етти кундан кечиктиrmай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек, акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

19.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда кўйидагилар қўрсатилиши керак:

- жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;
- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
- жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;
- умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;
- умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби.

19.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) жамиятнинг йиллик ҳисоботи, жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ва аудиторлик ташкилотининг хulosаси, жамият кузатув кенгашининг Бош директор, ишончли бошқарувчи билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хulosаси, шунингдек, жамиятнинг кузатув кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзолигига (тафтишчилигига) номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, жамиятнинг уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки жамиятнинг янги таҳирдаги устави лойиҳаси киради.

20-модда

Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига таклифлар

20.1. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин тўқсон кундан кечиктиrmай, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг микдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар қўрсатишга ҳақли.

20.2. Акциядорлар (акциядор) жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) ўзлари қўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик

умумий йиғилиши үтказилиши тұғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай үзгартышлар киритишга ҳақли.

20.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури қўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

20.4. Жамият кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) номзодлар қўрсатиш тұғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан, ўзини ўзи номзод қилиб қўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод жамият акциядори бўлса), шунингдек, номзодни қўрсатаётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури қўрсатилади.

20.5. Жамиятнинг кузатув кенгаши тушган таклифларни қўриб чиқиши хамда ушбу модданинг **биринчи** ва **иккинчи қисмларида** белгиланган муддат тугаганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай уларни акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш тұғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

20.6. Жамият кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни жамият кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тұғрисидаги асослантирилган қарори масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

20.7. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик құлувчи акциядорлар (акциядор) акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига үзгартыриш киритишга, фойдани тақсимлашга, акциядорларнинг умумий йиғилишига бошқарув ва назорат органлари аъзолигига номзодлар қўрсатишга ҳақли.

21-модда

Акциядорларнинг умумий йиғилишини үтказишга тайёргарлик қўриш

21.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишини үтказишга тайёргарлик қўрилаётганда жамиятнинг кузатув кенгаши, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тұғрисида”ги Қонуннинг 65-моддасининг ўн биринчи қисмida назарда тутилган ҳолларда эса, умумий йиғилишни чақиравчы шахслар қўйидагиларни белгилайди:

- умумий йиғилиш үтказиладиган сана, вақт ва жойни;
- умумий йиғилишнинг кун тартибини;
- умумий йиғилиш үтказиш учун жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;
- умумий йиғилиш үтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш тартибини;
- умумий йиғилишни үтказишга тайёргарлик қўрилаётганда акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;
- овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини.

21.2. Аниқ масала қўйилишини акс эттирайдиган таърифларнинг (шу жумладан, “турли масалалар”, “бошқа масалалар”, “ўзга масалалар” ва шу сингари таърифларнинг) акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилишига йўл қўйилмайди.

21.3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши үтказиладиган сана уни үтказиш тұғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кам ва үттиз кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

22-модда

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши

22.1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, тафтиш комиссиясининг

(тафтишчининг) ёзма талаби, шунингдек, ёзма талаб тақдим этилган санада жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

22.2. Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

22.3. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чақириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

22.4. Жамиятнинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн кун ичida жамият кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

22.5. Жамият кузатув кенгаши “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддат ичida акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамиятнинг маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

23-модда Саноқ комиссияси

23.1. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек, овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

23.2. Саноқ комиссиясининг таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши керак. Саноқ комиссияси таркибига жамият кузатув кенгашининг аъзолари, тафтиш комиссиясининг аъзолари (тафтишчиси), жамият Бош директори, жамият бошқаруви аъзолари, ишончли бошқарувчи, шунингдек, ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмас.

24-модда Акциядорларнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш тартиби

24.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш хукуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади.

24.2. Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

24.3. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш

жойи ёки жойлашган ери, паспортига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда берилади.

25-модда

Акциядорлар умумий йиғилишининг кворуми

25.1. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

25.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиша кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

25.3. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами кирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

25.4. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш ушбу уставнинг 18-моддасида назарда тутилган муддатларда ва шаклда амалга оширилади.

25.5. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш хукуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш хукуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

26-модда

Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш

26.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш “жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси - битта овоз” принципи бўйича амалга оширилади, жамиятнинг кузатув кенгashi аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

27-модда

Овоз бериш бюллетени

27.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади.

27.2. Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни жамиятнинг кузатув кенгashi томонидан тасдиқланади, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгashi томонидан чақирилмаган ҳоллар бундан мустасно. Овоз бериш бюллетени умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилади.

27.3. Овоз бериш бюллетенида: жамиятнинг тўлиқ номи, акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш санаси, вақти ва жойи, овоз беришга қўйилган ҳар бир масаланинг таърифи ва уни кўриб чиқиш навбати, овоз беришга қўйилган ҳар бир масала бўйича “ёқлайман”, “қаршиман” ёки “бетарафман” деган мазмундаги сўзлар билан ифодаланган овоз бериш вариантлари кўрсатилган бўлиши (бундан овоз беришга қўйилган масалага “ёқлайман” деган мазмундаги сўз билан ифодаланадиган кумулятив овоз бериш мустасно), овоз бериш бюллетени акциядор (унинг вакили) томонидан имзоланиши лозимлиги тўғрисидаги кўрсатма бўлиши керак.

27.4. Жамиятнинг кузатув кенгаши ёки тафтиш комиссияси аъзосини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги масала юзасидан овоз бериш ўтказилган тақдирда, овоз бериш бўллетенида номзод тўғрисидаги маълумотлар, унинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилиши лозим.

28-модда

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси

28.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

29-модда

Жамиятнинг кузатув кенгаши

29.1. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади.

29.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига қўра жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади.

29.3. Энг муҳим масалаларни қўриб чиқиш ва жамиятнинг кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш учун кузатув кенгаши аъзолари орасидан Стратегия ва инвестициялар қўмитаси, Аудит қўмитаси, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси ташкил этилиши мумкин.

29.4. Акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варафига киритилган жамият факат мазкур жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан таркиб топган аудит қўмитасини ташкил этиши шарт. Жамиятнинг ички аудит хизмати, агар бундай хизмат мавжуд бўлса, ўз фаолиятида аудит қўмитасига ҳисобдордир.

29.5. Қўмиталарни шакллантириш ва уларнинг ишлаш тартиби, сони ва таркиби жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низомларда белгиланади.

29.6. Жамият кузатув кенгаши аъзолари таркибидан иборат аудит қўмитаси ташкил қилинади.

29.7. Аудит қўмитасига молиявий таҳлил ва бухгалтерия ҳисоби соҳасида билимларга эга бўлган кузатув кенгашининг мустақил аъзоси раҳбарлик қиласи.

29.8. Аудит қўмитаси молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини назорат қилиш ва таваккалчиликнинг самарадорлигини таъминлаш учун:

ички аудитнинг йиллик иш режасини тасдиқлаш учун кузатув кенгашига киритади;

аудиторлик текширувларини ўтказиш ташабbusи билан чиқади;

кузатув кенгаши олдида аудит масалалари бўйича ҳисбот беради.

29.9. Аудит қўмитасининг мажбуриятлари қонунчилик ҳужжатлари ва кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган жамиятнинг “Аудит қўмитаси тўғрисида”ги низомга мувофиқ белгиланади ва қуидагиларни ўз ичига олади:

ҳисоб сиёсатини тасдиқлаш учун кузатув кенгашига киритиш ҳамда унинг ижросини назорат қилиш;

ички аудит тўғрисидаги низомни тасдиқлаш, ички аудит хизмати ходимларини тайинлаш учун кузатув кенгаши тасдигига номзодларни киритиш ҳамда уларни лавозимдан озод этиш тўғрисида таклиф киритиш;

жамият томонидан қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда амалга оширилган харидларни назорат қилиш;

ички аудит хизмати ишини, шу жумладан, унинг ҳисоботларини таҳлил қилиш ва самарадорликни баҳолаш орқали назорат қилиш;

молиявий ҳисбот, шу жумладан, консолидациялашган ҳисботнинг бухгалтерия стандартлари ва ҳисоб сиёсатига мувофиқлигини таҳлил ва назорат қилиш;

ташқи аудит ўтказилишини таъминлаш;

кузатув кенгаши топшириғи бўйича бошқа функцияларни бажариш.

29.30. Аудит қўмитаси ўз йиғилишларини кузатув кенгаши мажлисларидан олдин ўтказади.

29.31. Жамият кузатув кенгаши аъзолари таркибидан Тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси ташкил қилинади.

29.32. Тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитасига ходимларни танлаш ҳамда баҳолаш қўнималарига эга бўлган кузатув кенгашининг мустақил аъзоси раҳбарлик қиласди.

29.33. Тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитасининг вазифалари қонунчилик хужжатлари ва кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган жамиятнинг “Тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси тўғрисида”ги низомга мувофиқ белгиланади ва қўйидагиларни ўз ичига олади:

тайинловлар ва ҳақ тўлаш сиёсатини ишлаб чиқиш ва кузатув кенгашининг тасдигига киритиш ҳамда ижросини назорат қилиш;

кузатув кенгашига жамият раҳбари (Бош директори) ва ижро этувчи орган (бошқарув) аъзоларини лавозимга сайлаш (тайинлаш) учун номзодларни ва уларни лавозимдан озод этиш учун таклифлар киритиш;

жамият раҳбари (Бош директори) ва ижро этувчи орган (бошқарув) аъзоларининг самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари бўйича таклифларини кузатув кенгаши тасдигига киритиш ва уларни баҳолаш;

корхона раҳбари (Бош директори) ва ижро этувчи орган (бошқарув) аъзолари лавозимларига танлов ўтказиш.

30-мода

Жамият кузатув кенгашининг ваколат доираси

30.1. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

- жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисботини мунтазам эшишиб борган ҳолда фаолиятнинг устувор йўналишларини белгилаш;

- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши хақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

- “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбоҳисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

- жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқуллаш;

- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек, ҳар чоракда унинг ҳисботларини эшишиб бориш;

-жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

- жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

- жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

- жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

- жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

- жамиятнинг шўйба ва тебе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

- баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгилangan тартибда тузиш;

- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

- фақатгина акциядорларнинг умумий йиғилиши ва қонун билан белгилangan миқдордаги ҳомийлик ёки бегараз ёрдам тўғрисида қарор қабул қилиш, ёрдам кўрсатиш (олиш) шартлари ва тартибини, кейинчалик ушбу тартибни акциядорлик жамиятининг корпоратив веб-сайтида жойлаштириш шарти билан белгилаш;

- тегишли масалалар бўйича кузатув кенгаши хузурида ишчи гурухлар тузиш;

- аудиторлик текширувни ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш.

30.2. Кузатув кенгаши таркибига давлат улуши бўйича сайланган аъзолар фаолияти жамиятда трансформация жараёнларини самарали ташкил этиш, корхонанинг ташки қарзларини оптималлаштириш, замонавий харид тизимини жорий этиш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга муқобил маблағларни жалб этиш каби мезонлар асосида баҳоланади.

30.3. Жамият кузатув кенгашининг Стратегия ва инвестициялар қўмитаси раиси унинг мустакил аъзолари орасидан тайинланади ва мазкур қўмитага корхонанинг трансформация ва хусусийлаштириш жараёнларини доимий бошқариш вазифалари юклатилади.

30.4. Жамият кузатув кенгаши томонидан ижро органи раҳбарига хусусийлаштириш жараёнларини, шу жумладан акцияларни оммавий жойлаштиришни (IPO) сифатли ва белгиланган муддатларда амалга оширганлиги учун алоҳида мукофот ёки амалга оширганлик учун жавобгарлик чоралари белгиланади.

30.5. Жамият томонидан асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк обьектларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятидан ташқари қўшимча фаолият билан шуғулланиш кузатув кенгаши қарорига асосан амалга оширилади.

30.6. Жамият томонидан мулкни бегоналаштириш, уни сотиш шакли ва механизми, жамият ва унинг таркибидаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувлари (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда ушбу жамият кузатув кенгаши билан келишилгандан кейин тузилади.

30.7. Кузатув кенгаши аъзоларига қўйидаги фидуциар мажбуриятлар татбиқ этилади:

жонкуярликни намоён қилиш мажбурияти — кузатув кенгаши аъзосидан вижданан ва жонкуярлик асосида ҳаракат қилишни;

содикликни намоён қилиш ва манфаатлар тўқнашувига йўл кўймаслик мажбурияти — кузатув кенгаши аъзоларидан, биринчи навбатда, корхона манфаатларидан келиб чиқиб ҳаракат қилишни;

лозим даражада кўздан кечиришликни намоён қилиш мажбурияти — кузатув кенгаши аъзоларидан корхонага нисбатан қарор қабул қилишда эҳтиёткорлик билан ёндашишни;

мустакил муроҷаузадан фойдаланиш мажбурияти — кузатув кенгаши аъзосидан қарорларни мустакил, шахсий ва бошқа манфаатларни инобатга олмаган ҳолда қабул қилишни талаб этади.

30.8. Кузатув кенгаши ҳар чоракда камида бир марта:

жамият ижро этувчи органи ва ички назорат органларининг, шу жумладан, жамият томонидан амалга оширилган харидлар тўғрисидаги хисоботини;

жамият асосий (уставдаги) фаолияти билан боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган шўъба хўжалик жамиятлари ҳамда филиаллари (ваколатхоналари) фаолияти тўғрисидаги хисоботни кўриб чиқади.

30.9. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари уларда акциядор, иштирокчи ёки муассис функцияларини амалга оширувчи давлат органлари томонидан корпоратив бошқарув тамойиллари (акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва муассис қарорлари) асосида мустакил равишда сайланади.

30.10. Жамият кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар танлов асосида белгиланган мезонларга асосан танлаб олинади.

Бунда кузатув кенгаши таркибини шакллантириш мезонларига тармоқقا оид билим, бошқарув тажрибаси, молиявий, корпоратив бошқарув, стратегик режалаштириш ҳамда бошқа малакалар киритилади.

30.11. Давлат улуши бўйича давлат иштирокидаги жамият кузатув кенгаши аъзолари таркиби, шу жумладан, билим, кўникма ва тажриба мезонлари бўйича тоифаланган бўлиши лозим.

30.12. Ҳар бир номзод:

белгиланган мезонлар доирасида тегишли малака талабларига мувофиқ бўлиши;

бенуқсон ишлаш обўсига эга бўлиши;

фаолиятида рақобатчилар, асосий етказиб берувчилар билан тизимли манфаатлар тўқнашувига эга бўлмаслиги;

кузатув кенгаши аъзоси функциясини бажариши учун зарур вақт ажратиши лозим.

30.13. Ҳар бир номзод бештадан кўп бўлмаган кузатув кенгашларида аъзо бўлиб иштирок этиш мумкин, қонунчилик хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

30.14. Давлат органлари ходимлари талаб этиладиган малака даражасига мос бўлиши, манфаатлар тўқнашуви аломатларига эга бўлмаслиги шарти билан кузатув кенгаши аъзолигига сайланишлари мумкин.

Бунда тартибга солувчи ёки назорат (шу жумладан, лицензиялаш органлари ва молия-хўжалик фаолиятини текширувчи органлар) функциясини амалга оширувчи давлат бошқаруви органлари ходимларини сайлаш амалиёти тўлиқ бекор қилинади.

30.15. Кузатув кенгашининг, шу жумладан, мустақил аъзолигига номзодларни танлаш учун халқаро миқёсда етакчи бўлган консалтинг ва «хедхантер» ташкилотлари жалб қилиниши мумкин.

30.16. Жамият қузатув кенгashi таркибида мустақил аъзолар улуши босқичмабосқич 30 фойзга етказилиши мумкин.

Бунда қузатув кенгашларининг мустақил аъзолари давлат органлари ходимларидан таркиб топган аъзоларни қисқартириш ҳисобига шакллантирилади.

30.7. Қуйидаги шахс қузатув кенгашининг мустақил аъзоси деб эътироф этилади:

сўнгги уч йил мобайнида жамиятда ва (ёки) унинг аффилланган шахсларида ишламаган шахс;

жамиятнинг акциядори ва (ёки) унинг аффилланган шахсининг таъсисчиси (акциядори, иштирокчиси) бўлмаган шахс;

жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-хукуқий муносабатларда бўлмаган шахс. Бунда қайси мижоз ва етказиб берувчи билан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага teng амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўшалар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

жамият ва (ёки) унинг аффилланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлмаган шахс, бундан қузатув кенгashi аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳоллар мустасно;

жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилланган шахсларининг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнгги уч йил ичидаги уларга аъзо бўлган шахснинг эри (хотини), ота-онаси (фарзандликка оловчиси), фарзанди (фарзандликка олинган боласи), туғишган ва ўтай акаси (укаси) ҳамда опаси (синглиси) бўлмаган шахс;

давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлмаган шахс.

30.8. Жамият қузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

31-модда

Жамият қузатув кенгашининг аъзоларини сайлаш

31.1. Жамият қузатув кенгашининг аъзолари “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ва жамият уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 5 нафардан иборат таркибида уч йил муддатга сайланади.

31.2. Жамиятнинг қузатув кенgashi таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

31.3. Жамият бошқаруви аъзолари ва Бош директори, унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари жамиятнинг қузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

31.4. Айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг қузатув кенgashi аъзоси бўлиши мумкин эмас.

31.5. Жамият кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори хусусий мулк иштирокидаги (шу жумладан, хорижий) корхоналарнинг кузатув кенгашлари аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдоридан кам бўлмаган миқдорларда тўлаш амалиёти жорий этилади.

31.6. Жамият кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш миқдори акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилиши ёки муассис қарори билан тасдиқланади.

31.7. Кузатув кенгаши аъзосига тўланадиган ҳақ миқдори кузатув кенгаши ҳамда унинг қўмиталаридаги аъзолиги ва/ёки раислиги учун жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари асосида белгиланади.

31.8. Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими Давлат активлари агентлиги томонидан тасдиқланадиган саволномага асосан мустақил ташкилотлар (қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари, Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси, штатида корпоратив бошқарувчи ёки қимматли қоғозлар бозори мутахассиси аттестатига эга бўлган аудиторлик ташкилотлари, фонд биржаси, аккредитацияланган рейтинг агентликлари, Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби, Хусусийлаштириш ва давлат активларини бошқариш муаммоларини тадқиқ этиш маркази) томонидан баҳоланади.

31.9. Жамиятнинг кузатув кенгаши ҳар йили, шу жумладан, консалтинг ташкилотларни жалб қилган ҳолда, ўз фаолиятининг самарадорлиги, шунингдек, кузатув кенгаши аъзоларининг билими, қўникмалари ва тажрибаси корхона эҳтиёжларига мос келишини баҳолайди.

31.10. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

31.11. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

31.12. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият кузатув кенгашининг таркибиغا сайланган деб хисобланади.

31.13. Акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варафига киритилган жамиятнинг, шунингдек устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши керак. Бунда кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар, агар жамият уставида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан, қоида тариқасида, акциядорлар умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун танлов асосида кўрсатилади.

32-модда

Жамият кузатув кенгашининг раиси

32.1. Жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

32.2. Жамиятнинг кузатув кенгаши ўз раисини кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

32.3. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қиласида, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қиласида.

32.4. Жамият кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

33-модда

Жамият кузатув кенгашининг мажлиси

33.1. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси (тафтишчисининг), ижроия органи аъзосининг талабига кўра чақирилади.

Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилишга ҳақли.

33.2. Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

33.3. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони жамият уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек, жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

33.4. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

33.5. Мазкур Жамият уставида кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлинган холларда кузатув кенгашининг қарорини қабул қилишда жамият кузатув кенгаши раисининг ҳал қилувчи овоз ҳуқуқи назарда тутилади.

33.6. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар кузатув кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартибини белгиловчи “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ва жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасининг иккинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор жамият кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

33.7. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

33.8. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

33.9. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

33.40. Ҳар чоракда жамият ижро органининг ҳисоботини эшитиш бўйича кузатув кенгашининг мажлисларини сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) ўтказишга йўл қўйилмайди.

33.41. Кузатув кенгаши томонидан видеоконференциялоқа тизими орқали ва электрон овоз (e-VOTE) бериш йўли билан ўтказиладиган мажлисларда жамият ижро органининг ҳисоботини эшитилиши мумкин.

34-модда

Жамиятнинг ижроия органи

34.1. Жамиятнинг жорий фаолияти акциядорларнинг умумий йиғилишида уч йил муддатга сайланган ягона ижроия органи – Бош директор томонидан бошқарилади.

Ижро этувчи орган фаолиятининг ижобий натижаларига кўра ваколатларини кейинчалик узайтириш, шунингдек, қониқарсиз натижаларга кўра муддатидан илгари бўшатиш шарти билан уч йил муддатга сайланади. Бунда ижро этувчи орган аъзоларига номзодларни танлаш учун халқаро миқёсда етакчи бўлган консалтинг ва «хедхантер» ташкилотлари жалб қилиниши мумкин.

34.2. Акциядорларнинг ҳар йилги йиллик умумий йиғилишида Бош директор сайланади ёки ваколати тўхтатилади. Бош директорни тайинлаш тўғрисидаги қарор хорижий менежер ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади. Бош директор лавозимига танловда иштирок этиш учун ариза қонунчиликда белгиланган тартибда номзод томонидан берилади.

Ижро этувчи орган раҳбари ва аъзолари номзодларига қўйиладиган малака талаблари (маълумоти, тижорат, молия ва соҳавий тажриба ва бошқалар) жамият кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

34.3. Жамиятнинг кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига кирадиган масалалардан бошқа барча жамиятнинг жорий фаолияти билан боғлиқ барча масалалар жамият Бош директорнинг ваколатига киради.

34.4. Жамиятнинг Бош директори акциядорлар умумий йиғилишининг ва жамият кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

34.5. Жамиятнинг Бош директори жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан, унинг манфаатларини ифодалайди, жамият номидан битимлар тузади, жамиятнинг қўйи ташкилоти раҳбарини тайинлайди, штатларни тасдиқлайди, жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

34.6. Бош директорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари жамиятни “Ижро органи тўғрисида”ги низомида белгиланади.

34.7. Бош директор томонидан шартнома шартлари бузилган тақдирда кузатув кенгаши жамиятнинг Бош директори билан тузилган шартномани муддатидан илгари тўхтатиши мумкин.

34.8. Бош директорнинг ваколатлари:

- Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорларининг ижросини ташкиллаштириш;
- Жамиятнинг шартномавий вазифаларининг бажарилишини таъминлайди;
- Жамият номидан ҳужжатларни имзолайди;
- Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, уларнинг малака ва тажрибаларидан унумли фойдаланиш чорасини кўради;
- Мехнат ва технологик интизомни таъминлайди.

34.9. Акциядорларнинг вакили сифатида иштирок этаётган ижроия органи аъзоси ижроия органи аъзоларини сайлашда овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

34.10. Ижро органи раҳбари сифатида тайинланган (қайта тайинланган) шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ ижро органи раҳбари бўлиши мумкин эмас.

34.11. Ижро органига ойлик иш ҳаки ва йил якунлари бўйича бир йўла тўланадиган мукофот тўловлардан ташқари ҳар қандай қўшимча тўлов турларини амалга ошириш тақиқланади.

34.12. Жамият ижро этувчи органига тўланадиган ҳақ миқдори:

хусусий мулк иштирокидаги (шу жумладан, хорижий) корхоналарнинг ижро этувчи органи раҳбарлари ва аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдоридан кам бўлмаган миқдорда тўлаш тартиби ўрнатилади;

кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган шаффоф ҳақ тўлаш сиёстига асосланган бўлади.

34.13. Жамият ижро этувчи органи аъзоларига тўланадиган ҳақ таркиби қуийдагилардан иборат бўлади:

- жамият жамоа шартномасида назарда тутилган қатъий белгиланган ҳақ (иш ҳаки, компенсация, бошқа тўловлар);

- ҳақ тўлашнинг мукофот қисми — самарадорликнинг мухим кўрсаткичларининг чорак якуни бўйича кўрсаткичлари ижроси таъминланган тақдирда, тўланадиган қўшимча ҳақ, шунингдек, йиллик ёки уч йиллик фаолият натижасига кўра самарадорликнинг мухим кўрсаткичлари ижросининг бонус қўринишидаги тўловлар.

34.14. Жамиятнинг ижро этувчи органи жамият стратегияси ва ижтимоий аҳамиятга эга хизматларни кўрсатиш мажбуриятларидан келиб чиқсан ҳолда, аниқ белгиланган самарадорликнинг мухим кўрсаткичларига эга бўлиши керак.

34.15. Бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилмаган ёки Самарадорликнинг мухим кўрсаткичлари "паст" ёки "қониқарсиз" деб баҳоланган тақдирда кузатув кенгаши қарорига асосан ижро органи томонидан ўтган ҳисобот йилида тўланган мукофотни белгиланган тартибда тўлиқ жамиятга қайтарилади.

34.16. Ижро органи раҳбарининг харакати (харакатсизлиги) натижасида жамият манфаатларига етказилган ҳар қандай зарар, зиён, уларнинг оқибатида юзага келувчи жарима, пеня ва бошқа мажбурий тўловлар учун субсидиар жавобгарлик у билан тузиладиган меҳнат шартномасида қатъий белгиланади.

34.17. Ижро органи жавобгарлигини мажбурий сұғурталанади.

34.18. Жамият мулки ҳисобини юритиш, унинг тўлиқлиги ва тўғрилигини таъминлаш мақсадида жамиятга учинчи шахслар томонидан инвестиция киритишга оид келишувлар лойиҳаларини (битим, шартнома, меморандумлар) мажбурий тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига кўриб чиқиш учун тақдим этади. Жамиятга учинчи шахслар томонидан инвестиция киритишга оид келишувлар лойиҳаларини (битим, шартнома, меморандумлар) Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг ижобий хulosаси олингандан сўнг белгиланган тартибда жамият кузатув кенгаши муҳокамасига киритади.

34.19. Акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши баёнларини "Давлат мулки" ахборот тизимиға жойлаштирилмаганда, Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш амалга оширилмаганда, Давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли давлат органига ахборотлар ва маълумотлар (Агентликнинг "Давлат мулки" ахборот тизимиға бизнес-режа кўрсаткичлари ва СМК, шунингдек корхоналар веб-сайтларига маълумотлар киритиб борилиши) тақдим этилмаганда ёки ўз вақтида тақдим этилмаганда ижроия органи раҳбарларини рағбатлантиришга йўл қўйилмайди.

35-мода

Жамиятнинг миноритар акциядорлари қўмитаси

35.1. Миноритар акциядорларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жамиятда уларнинг орасидан миноритар акциядорларнинг қўмитаси ташкил этилиши мумкин.

35.2. Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига номзодлар бўйича таклифлар жамиятга жамият кузатув кенгашига номзодлар бўйича таклифлар киритиш учун назарда тутилган тартибда ва муддатларда киритилади.

35.3. Миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзоларини сайлашда акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳозир бўлган ва жамият кузатув кенгашига номзодлар кўрсатмаган ёхуд акциядорларнинг ўтказилаётган умумий йиғилишида кузатув кенгашига номзодлари сайланмаган акциядорлар иштирок этади.

35.4. Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркиби жамиятнинг директори, бошқарув аъзолари, шунингдек жамиятнинг кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчиси этиб) сайланган шахслар кириши мумкин эмас.

35.5. Миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколатига қуйидагилар киради:

акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамиятнинг кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун киритилаётган йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар тузишга оид масалалар бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш;

миноритар акциядорларнинг ўз хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ мурожаатларини кўриб чиқиши;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига миноритар акциядорларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида мурожаатлар киритиш;

қонун хужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиши.

35.6. Миноритар акциядорлар қўмитасининг қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Миноритар акциядорлар қўмитасининг мажлислари унинг миқдор таркибига сайланган шахсларнинг камидаги тўртдан уч қисми ҳозир бўлганда ваколатлидир.

35.7. Миноритар акциядорлар қўмитаси аъзоларининг сони 3 нафардан иборат таркибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади.

35.8. Миноритар акциядорларнинг қўмитаси қабул қилинган қарорлар тўғрисида ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот беради.

35.9. Миноритар акциядорлар қўмитасининг раиси ушбу қўмита таркибидан миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзолари томонидан кўпчилик овоз билан сайланади.

35.10. Миноритар акциядорлар қўмитасининг раиси миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколат доирасига киритилган барча масалалар бўйича жамиятнинг хужжатларидан фойдаланиш хукуқига эга.

35.11. Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолият кўrsatiш тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

35.12. Миноритар акциядорлар қўмитаси жамиятнинг хўжалик фаолиятига аралашишга ҳақли эмас.

35.13. Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолиятига жамият кузатув кенгашининг ёки ижроия органининг аралашувига йўл қўйилмайди.

36-модда Жамият корпоратив маслаҳатчиси

36.1. Жамиятнинг уставида жамият кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун хужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозимини жорий этиш назарда тутилиши мумкин.

36.2. Жамият корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

36.3. Корпоратив маслаҳатчи Стратегиянинг жорий этилиши учун тўлиқ жавобгар бўлган ижро этувчи орган ишини мувофиқлаштиради.

37-модда Тафтиш комиссияси (тафтишчи)

37.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун жамият уставида жамиятнинг тафтиш комиссиясини тузиш (тафтишчини сайлаш) назарда тутилиши мумкин.

37.2. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланади.

37.3. Жамият тафтишчисига ёки тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс айни бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркиби (тафтишчиликка) кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

37.4. Тафтиш комиссия аъзолари - комиссия раисидан ва 2 (икки) кишидан иборат.

37.5. Жамият тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “Жамият тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомда белгилаб қўйилади.

37.6. Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёзма талабига кўра жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатларни тафтиш комиссиясига (тафтишчига) тақдим этиши шарт.

37.7. Жамият тафтишчиси ёки тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек, айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

37.8. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг), акциядорлар умумий йиғилишининг, жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади. Тафтиш комиссияси қўйидаги ваколатларга эга:

- “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 65-моддасига асосан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилиш;

- жамиятнинг бирламчи бухгалтерия хисоби ва молиявий хужжатларини текшириш;

- бухгалтерия ва статистика хисобининг амалдаги меъёрий хужжатларга мувофиқ юритилишини таҳлил қилиш;

- жамиятнинг молиявий ахволи, унинг тўлов қобилиятини таҳлил қилиш;

- жамиятнинг иқтисодий ўсиш йўлларини аниқлаш, жамият Боз директори ва ишчилари учун тавсиялар ишлаб чиқиш;

- бюджетга тўловларнинг ўз вақтида тўғри хисобланишини ва тўланишини текшириш;

- жамиятнинг Боз директори томонидан қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигини текшириш;

- жамиятнинг йиллик ҳисоботлари ва бухгалтерия балансини акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланишидан олдин текшириш.

- жамиятнинг Боз директори ва ишчиларидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар беришни талаб қилиш;

- жамият Боз директори ва ишчиларидан ўз хизмат вазифалари учун зарур хужжатларни талаб қилиб олиш.

37.9. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси) хulosса тузади, бу хulosада:

- жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий хужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишонччилигига доир баҳо;

- бухгалтерия хисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек, молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун хужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

37.10. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек, қонун хужжатларининг ва жамият ички хужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хulosани ҳар чорақда жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Ушбу модданинг еттинчи қисмида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хulosса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитирлади.

38-модда

Жамиятнинг ички аудит хизмати

38.1. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига хисобдордир.

38.2. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия хисобида ва молиявий хисботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек, жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қиласи ҳамда баҳолайди.

38.3. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини, агар қонунда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

39-модда

Аудиторлик ташкилоти

39.1. Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хulosасини тақдим этади.

39.2. Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий хисботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хulosани ўз ичига олган аудиторлик хulosasi тузилсанлиги оқибатида етказилган зарап учун жамият олдида жавобгар бўлади.

39.3. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятда аудиторлик текширувани ўтказиш ташаббуси билан чиқиш ҳукуқига эга.

40-модда

Йиллик хисботларни тузиш, текшириш ва тасдиқлаш тартиби

40.1. Жамиятда бухгалтерия хисоб-китобини ташкил этиш, унинг ҳолати ва тўғри юритилиши, тегишли органларга ҳар йилги хисбот ва бошқа молия хисботлари, шунингдек, акциядорлар, кредиторлар ва оммавий ахборот воситаларига жамият фаолиятига доир маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик қонун ҳужжатларига мувофиқ Бош директор зиммасида бўлади.

40.2. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун мазкур жамият уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши бир йил муддатга Тафтиш комиссияни (тафтишчини) сайлайди.

40.3. Жамиятнинг акциядорлар умумий йиғилишига тақдим этадиган йиллик хисботидаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва заарлар хисоб варагидаги маълумотларнинг тўғри эканлиги жамиятнинг тафтиш комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим.

40.4. Кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни матбуотда эълон қилишдан олдин жамият йиллик молия хисботини ҳар йилги текшириш ва тасдиқлаш учун жамият ёки акциядорлар билан мулкий манфаатлар негизида боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилотини жалб этиши шарт.

41-модда

Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш

41.1. Жамиятни қайта ташкил этиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзgartiriш шаклида амалга оширилади.

41.2. Янгидан вужудга келган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан жамият қайта ташкил этилган деб ҳисобланади, бундан қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш мустасно.

41.3. Жамият бошқа юридик шахсга қўшиб юбориш йўли билан қайта ташкил этилганда рўйхатдан ўтказувчи орган қўшиб юборилган юридик шахснинг (жамиятнинг) фаолияти тугатилганлиги ҳақидаги ёзувни юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритган пайтдан эътиборан жамият қайта ташкил этилган деб ҳисобланади.

41.4. Қайта ташкил этиш натижасида янгидан вужудга келган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиши ҳамда қайта ташкил этилган юридик шахсларнинг фаолияти тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувни киритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

41.5. Қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамият ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор этади. Кредитор жамиятдан мажбуриятларни тугатишни ёки муддатидан илгари бажаришни ҳамда заарларнинг ўрнини қоплашни куйидаги муддатларда ёзма равища хабардор этиш орқали талаб қилишга ҳақли:

- қўшиб юбориш, қўшиб олиш ёки ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш ҳақидаги ёзма билдириш жамият томонидан кредиторга юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай;

- бўлиш ёки ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этиш ҳақидаги ёзма билдириш жамият томонидан кредиторга юборилган санадан эътиборан олтмиш кундан кечиктирмай.

41.6. Агар тақсимлаш баланси қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг хуқуқий ворисини аниқлаш имконини бермаса, янгидан вужудга келган юридик шахслар қайта ташкил этилган жамиятнинг ўз кредиторлари олдидаги мажбуриятлари юзасидан солидар жавобгар бўлади.

41.7. Рўйхатдан ўтказувчи орган қайта ташкил этиш натижасида тугатилаётган жамият қимматли қоғозларининг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги бекор қилинганидан, шунингдек, у юридик шахсларнинг ягона давлат реестридан чиқарилганидан кейин янгидан вужудга келган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиши амалга оширади.

41.8. Жамиятнинг тугатилиши хуқуқ ва мажбуриятларни хуқуқий ворислик тартибida бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда жамият фаолиятини тугатишга сабаб бўлади.

41.9. Жамият ихтиёрий равища тугатилган тақдирда, тугатилаётган жамиятнинг кузатув кенгаши жамиятни тугатиш ва тугатувчини ёки тугатиш комиссиясини (бундан бўён матнда тугатувчи деб юритилади) тайинлаш тўғрисидаги масалани акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқади.

41.10. Ихтиёрий равища тугатилаётган жамият акциядорларининг умумий йиғилиши жамиятни тугатиш ва тугатувчини тайинлаш ҳақида қарор қабул қиласди.

41.11. Жамият суднинг қарорига кўра тугатилаётганда тугатувчини тайинлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

41.12. Тугатувчи тайинланган пайтдан эътиборан жамият ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар унга ўтади. Тугатувчи тугатилаётган жамият номидан судда иштирок этади.

42-мода

Якуний қоидалар

42.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

42.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равища суд орқали ҳал қилинади.

“Ангрен логистика маркази” акциядорлик жамияти устави

42.3. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.